# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 1 (16084). • 1 январь 1975 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.




## СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Янги, 1975 йил совет кишилари хонадонига кириб келмоқда.

Шу тантанали дақиқаларда биз тугаб бораётган йилдаги воқеалар ва ишларга нигоҳ ташлаймиз. Ўтган йил — қаҳрамон ишчилар синфимиз, шонли колхозчи деҳқонларимиз, халқ зиёлиларимиз Коммунистик партия XXIV съезди ғоялари ва қарорларини амалга ошириш соҳасида катта ва самарали ишлар қилган йил бўлди. Бу йил коммунистик қурилишдаги янги зафарлар, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашдаги катта ютуқлар йили бўлиб хотирамизда сақланиб қолади.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида социалистик экономикани ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оширишда эришилган катта муваффақиятлар бизни қувонтирди. Кўпгина янги завод ва фабрикаларнинг, уй-жой кварталларининг, посёлкалар ва бутун-бутун шаҳарларнинг чироқлари ёнди. Юз ва минг километрлаб янги йўллар қурилди. Трубопроводлар ётқизилди, юқори вольтли электр линиялари, суғориш каналлари қурилди. Саноат ишлаб чиқаришини ўстиришда юксак натижага эришилди. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари янги муваффақиятларни қўлга киритдилар. Пахтадан рекорд ҳосил олинди.

1974 йил миллион-миллион совет кишилари учун иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар ошган, уй-жой шароитлари яхшиланган йил бўлди.

Эришилган ҳамма ютуқлар— ишчилар, колхозчилар, олимлар, мутахассислар, барча совет кишилари — ўз ишининг жонкуярлари ва миришкорлари, мард ва меҳнатсевар кишилар қунт билан қилган меҳнатнинг самараларидир. Барча совет республикаларининг, барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари муштарак муваффақиятларимизга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Сизларга чин кўнгилдан раҳмат, азиз ўртоқлар!

Кириб келаётган 1975 йил — тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили. Келгусида биз катта-катта бунёдкорлик вазифаларини бажаришимиз лозим. Бу вазифаларни КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси белгилаб берди.

Коммунистик партия билан Совет давлати социалистик экономикани, фан ва маданиятни янада ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш, мамлакат куч-қудратини мустаҳкамлаш йўлини бундан буён ҳам изчиллик билан оғишмай ўтказа берадилар.

Ўртоқлар! Ўттиз йилдирки, совет кишилари осойишта яшаб, меҳнат қилмоқдалар, бунга биз Ленин партиясининг доно ташқи сиёсати туфайли, Совет давлатининг иқтисодий ва мудофаа қудрати туфайли, жаҳон социализмининг позицияларини мустаҳкамланганлиги туфайли эришдик. Кириб келаётган йилда совет халқи улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллигини тантанали равишда нишонлайди, уруш қаҳрамонларининг, социализмни ҳимоя қилиб, жонини фидо этган, фронтда ва мамлакат ичкарисида Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун ўзини аямай курашган барча кишиларнинг хотираси муқаддасдир.

Совет Иттифоқи КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини қардош социализм мамлакатлари билан мустаҳкам ҳамкорликда муваффақиятли суратда амалга оширмоқда. Коммунистик қурилиш учун ташқи шароитлар ҳеч қачон ҳозиргидек қулай бўлган эмас. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФР, АҚШ, Франция ва бошқа давлатларнинг раҳбарлари билан учрашувлари халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ижобий ҳисса қўшди.

Коммунистик партия билан Совет давлати халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш сиёсатини аввалгидек бундан буён ҳам оғишмай ўтказа берадилар, чунки бу буюк мақсадларимиз ва идеалларимизни муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг зарур шарти бўлиб, бутун меҳнаткаш инсониятнинг туб манфаатларига ва орзу-умидларига мос бўлиб тушади.

Янги йил арафасида биз социализм мамлакатларининг меҳнаткашларига, коммунистик ва ишчи партияларига, капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига, меҳнаткаш деҳқонларига, илғор зиёлиларига самимий қутловлар ва энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз. Биз ёш давлатларнинг халқларига, янги мустақил ҳаёт бунёдкорларига, империализмга қарши курашувчиларга, ер юзида тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган барча софдил кишиларга саломларимизни йўллаймиз.

Азиз ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети барча совет кишиларини — ишчилар ва колхозчиларни, инженер-техник ходимларни, фан ва маданият арбобларини, революция, уруш ва меҳнат ветеранларини, шонли совет хотин-қизларини, ажойиб ёшларимизни, шавкатли қуролли кучларимизнинг жангчиларини кириб келаётган янги йил билан самимий табриклайдилар! Сизларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда, ўқишда ва ижодий ишларда муваффақиятлар тилаймиз! Ҳар бир хонадонга, ҳар бир совет кишисига шоду-ҳуррамлик ва бахт-саодат ёр бўлсин!

Улуғ совет халқи учун, ленинчи партиямиз учун, севикли Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун янги йил қадаҳини кўтарайлик!

Янги йилингиз муборак, сизларга бахт-саодат ёр бўлсин, азиз ўртоқлар!

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

---

КУБА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, КУБА РЕСПУБЛИКАСИ РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТИНИНГ БОШ МИНИСТРИ

## ЎРТОҚ ФИДЕЛЬ КАСТРО РУСГА,

КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

## ЎРТОҚ ОСВАЛЬДО ДОРТИКОС ТОРРАДОГА

Азиз ўртоқлар!

Миллий байрам — Куба революциясининг 16 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан ва совет халқи номидан сизларга, Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Куба Республикасининг Революцион ҳукуматига, бутун қардош Куба халқига самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Революция ғалабаси Куба тарихида янги даврни очди. Куба халқи Коммунистик партия ва Революцион ҳукумат раҳбарлигида ўтган ўн олти йил мобайнида актив кураш олиб бориб ва зўр ғайрат билан ижодий меҳнат қилиб, чуқур, чинакам революцион ўзгартишларни амалга оширди. иқтисодий, социал ва маданий қурилишда, социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишда катта муваффақиятларга эришди.

Совет кишилари Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашган қардош Куба халқининг социалистик жамият йўлидан бориб, буюк мақсадни амалга оширишда қўлга киритган муваффақиятларидан хурсанддирлар. Куба коммунистлари, барча меҳнаткашлари революция ғалабасининг янги йиллигини ўз Коммунистик партиясининг съездига тайёргарлик кўриб, социалистик мусобақа кенг авж олган, меҳнат ғайрати юксалган, партия билан халқнинг маънавий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланган бир вазиятда нишонламоқдалар.

Куба Республикаси ҳозирги кунда социалистик ҳамдўстлик халқлари жипслашган оиласининг муносиб аъзосидир. Куба Республикаси тинч-тотув яшаш ленинча принципларини қарор топтиришга қаратилган ташқи сиёсий йўлни амалга оширишда, жаҳонда кескинликни юмшатиш жараёнини янада ривожлантириш ва кучайтиришда фаол қатнашмоқда. Социалистик Кубанинг тинчлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт ишига қўшаётган ҳиссаси ҳамма томондан эътироф этилмоқда. Империалистларнинг қамал қилиш сиёсати тамомила барбод бўлганлиги Куба ташқи сиёсатининг таъсирчанлигини яққол исбот этувчи далилдир.

Биз мамлакатларимиз ўртасида марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган қардошларча дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик муносабатларини қадрлаймиз, Совет Иттифоқи билан Кубанинг жаҳон миқёсидаги ҳаракат бирлигини ғоят қадрлаймиз. Мамлакатларимизнинг раҳбарлари ўтган йили Гаванада дўстона учрашдилар. Ўтган йил ғоят самарали йил бўлди ва Совет — Куба ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда кучайтиришга ёрдам берди.

Азиз дўстлар, совет кишилари Куба революциясининг 16 йиллигини, ана шу муштарак интернационал байрамимизни сизлар билан биргаликда нишонлаб, ишчилар синфига, деҳқонларга, халк зиёлиларига, революцион кураш қатнашчиларига қизғин салом сўзлари билан мурожаат қиладилар ва социалистик Куба қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни тилайдилар.

Партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

**Л. БРЕЖНЕВ. Н. ПОДГОРНИЙ. А. КОСИГИН.**

---

## ЧИЛИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳарбий-фашист хунтага қарши курашаётган Чили Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Чилининг барча коммунистларига қардошларча салом ва янги йил муносабати билан энг яхши истакларни йўллайди. Чили Коммунистик партияси янги, 1975 йилни ва ташкил этилганлигининг 53 йиллигини чуқур подпольеда, хунта эрксевар Чили халқига қарши қилаётган таъқиблар ва террор вазиятида кутиб олмоқда.

КПСС Марказий Комитети Чили коммунистлари, барча ватанпарварлари ва демократларининг диктатурага қарши, ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб бораётган кураши билан жанговар бирдамлик туйғуларини изҳор этади.

Янги йил Чили халқининг адолатли ва мардонавор кураши муваффақиятлар йили бўлсин.

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

---

## ЧИЛИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ ЛУИС КОРВАЛАНГА

Азиз ўртоқ Корвалан!

Чили коммунистларининг фашистлар диктатурасига қарши мардонавор курашини зўр ҳайрихоҳлик билан кузатиб турган ва Чили халқи жаллодларининг зиндонида сиз кўрсатаётган сабот-матонатга қойил қолаётган КПСС номидан, барча совет кишилари номидан янги йил муносабати билан сизга қардошларча бирдамлик ва дўстона мадад ҳис-туйғуларини билдираман ва сизнинг тез орада озод ва сиҳат-саломат бўлишингизни тилайман.

Бутун тараққийпарвар инсоният билан бирга биз ҳам Чилидаги демократик, антифашист кучларга ҳамиша ҳамдаммиз, сиз бунга амин бўлишингиз мумкин.

Рафиқангизга ва барча ёр-биродарларингизга ҳам янги йил муносабати билан энг самимий истакларимни йўллайман.

Қардошларча салом билан

**Л. БРЕЖНЕВ.**

